



# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 12-fevral. Shanba

● 19 (31.295)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

## Парламент фаолияти

### Давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолияти ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди

■ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳаётимизнинг янги босқичини бошлаб берди. Олдимизда турган кенг кўламли вазифалар барчамиздан катта масъулият талаб этади.

Концепцияда белгиланган энг муҳим вазифалардан бири давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масаласидир. Шубҳасиз, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Ташқи сиёсат масалалари кўмиталари, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусидаги тадбирда Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидландики, Концепциянинг алоҳида боби ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш деб номланади. Нафақат бу йўналишдаги, балки унда белгиланган барча вазифани амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқоралик жараёни кечишини ОАВ кўзгудек ўзида акс эттириб бориши лозим.

— Жамиятда демократик қадриятлар қанчалик чуқур илдири отганини оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кўрсатади, — деди Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи директори Муҳаммадҷон Бекмуҳаммедов. — Бунда журналист ўз позициясини эркин билдириши муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, оммавий ахборот воситалари замон талаби ва руҳига мос фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратиб берилмоқда. Фақат биз ундан самарали фойдаланиб, жамиятда ислохотларнинг чуқурлашиб бориши ва самарасини таъминлашга хизмат қилишимиз керак. — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиклигини таъминлаш кучли фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим шартидир, — деди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири Хусниддин Бердиев. — Бу эса ОАВ орқали таъминланади. Бунда журналистларнинг ахборот манбаи билан ишлаши катта аҳамиятга эга. XXI асрга келиб, ахборот оқими жуда кучайди, ахборот ҳаддан ташқари кўп. Жамиятга эса энг муҳим ахборотни етказиш керак. Бунда вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан ҳамкорлик гоят муҳим. Биз шу соҳада илғор хорижий тажрибани ўрганишимиз зарур. Бундан ташқари, ахборот хизматларига ҳақиқий мутахассисларни жалб этиш талаб этилади.


— Оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича ўзига хос назорат олиб бориши керак, — деди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети профессори Бойбўта Дўстқороев. — Шу орқали жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализм таъминланади. Бу биз ўқитувчилар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Сабаби ихтисослашган, ҳар бир соҳани чуқур, малакали таҳлил эта оладиган кадрлар тайёрлаш зарур. Ортиқча ҳиссиётлардан воз кечиб, жамиятимизда кечаётган жараёнларни, тегишли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларни вазминлик билан, чуқур таҳлил этиб берсак, бу, албатта, олдимизда турган улкан марраларга етишимизга хизмат қилади.

— Мамлакатимизда иқтисодий, демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб, бугун ўз медаларини бермоқда, — деди Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Янги жамият» студияси бош муҳаррири Куддус Аъзамов. — Шу жараёнда бизга турли таҳдидлар, жумладан, маънавий таҳдид ҳам тажовуз қилмоқда.

⇒ 2

## Ватан ҳимояси — олий шараф

### Йигитлар тантанали кузатилди



О'zbekiston OVOZI (ЎзА) о'нган сурат

■ Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мудофаа қўбилитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ қилиш, ихчам, юқори тайёргарликка эга профессионал армияни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизмат йигитларимиз учун том маънода ҳаёт мактабига, шон-шараф ишига айланган бораётди.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, қақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар Ватанга хизмат қилиш, юртимиз озодлиги, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигдек асраш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканини таъкидладилар. Хизматга отланган ўғлонларга ок йўл тиладилар.

— Синовлардан яқши ўтдим, — дейди юқоричириклик Бахтибек Урозинбеков. — Ўз Ватани, мустақил юртига хизмат қилиш ҳар бир ўғлон учун шараф. Мен бундан бундан яна бир бор дилдан ҳис қилмоқдаман. Ҳарбийлар иштирокида бўлиб ўтган суҳбат ва учрашуларда аскар сержак, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етуқ бўлиши зарурлигини англаб етдим.

Л.СУВОНОВ,  
ЎзА мухбири

## Хушхабарлар

### Москва Навоийни шарафлади

«Анджонская правда» газетасининг собиқ бош муҳаррири Петр Волков пенсияга чиққач, Москва шаҳрида яшамоқда. У ҳамкасбларига тез-тез кўнгириқ қилиб, Ўзбекистонга оид янгиликлардан юртдошларимизни хабардор қилиб туради. Кеча ундан яна бир хушхабар олдик.

Шу кунларда бутун дунёда буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Москва шаҳрида қад ростлаган улғу мутафаккир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Тантанада дипломатлар, ёзувчилар, шоирлар, Москва шаҳридаги олий ўқув юрларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар, шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Шундан сўнг Александр Солженицин номли маданият саройида Навоий даҳосига бағишланган ижодий кеча ташкил этилди. Уни Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича Федерал агентлиги, Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси ҳамда Россия-Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлиги жамияти фаоллари уюштирдилар.

Кечада Навоий асарларининг моҳир таржимонлари ҳамда навоийшунос олимларнинг хотираларини абадийлаштириш ҳамда улғу шоир ижоди бўйича илмий ишлар билан шуғулланаётган ёшлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича бир қанча тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

Адабий анжуманда Навоий газалларидан намуналар ўқилиб, буюк сиймо ҳақидаги ҳужжатли фильм ва катта концерт дастури намойиш этилди.

Петр ВОЛКОВ,  
Москва шаҳри.

## Археология соҳасидаги муваффақият

Ўзбек-француз тарихчи олимларидан иборат археологик гуруҳ халқаро «Сію 2010» телловида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Сурхон воҳасидаги Жарқўтон ёдгорлигида қазилма ишлари оlib бораётган илмий гуруҳнинг фаолияти икки мингга яқин мустақил эксперт томонидан юқори баҳоланди. Маълумки, бу соҳада «Сію» халқаро танлови ҳар йили ўтказилади. Унинг тўрт номинацияси бўлиб, фойлибларга халқаро сертификат ва мукофотлар берилади. Бу галги танлов фойлибги юртимиз маданый меросини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшган ўзбек-француз археолог олимларига насиб этди. Зеро, бу илмий гуруҳ фаолиятининг навбатдаги эътирофидир.

## Проекцион реклама

Юртимизда замонавий проекцион реклама намойиш қилинмоқда. Ҳозирча бу мультимедиа курилмаси пойтахтимизда UCell уяли алоқа оператори томонидан янги тариф эълони учун қўлланилмоқда. Унда кўнчайтирилган проектор ва галоген нурларида акс этувчи ҳўшумомада қиз сизни компания янгиликлари билан таништиради. Сўнгги йилларда мамлакатимиз реклама бозори энг сўнгги инновацион янгиликлар билан бойиб бормоқда. Айтиш керакки, Ўзбекистон бу соҳада минтақанинг етакчиларидан биридир.

## ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши диққатига!

### «Фаол аёллар»нинг фаоллиги қани?

Ўз ишига меҳри ва қизиқиши бўлмаган қанот раҳбаридан нимани кутиш мумкин? Малакали етакчи ўз олдига қўйган вазифаларни партиянинг дастурий мақсадига ҳамоҳанг тарзда режалаштирмоғи лозим эмасми? Тадбирларни фақат режани бажариш учун ўтказиш керакми?

⇒ 2

## ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

### Мақсад — турмуш фаровонлиги

⇒ 2

## Қарор ва ижро

### Соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади...

⇒ 3

## Спорт

### Футболчиларимиз хориж клубларида

⇒ 4

## «Ўзбекистон» нашриёти сифат сертификати олди

■ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйига «Халқаро сифат менежменти — ISO 9001:2008» сертификати топширилди.

Пойтахтимизда шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ноширлик ва матбаа соҳаси раҳбарлари, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг уринбосари Рўздат Сафоев, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ишлаб чи-

қаришни модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янғилаш, энг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорда рақобатбардошлигини кучайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Корхоналарнинг жаҳон бо-

зида муносиб ўрин топишида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро сифат талабларига, жаҳон андозалари меъёрларига нечоғли мос келиши муҳим ўрин тутди. Бунга эришиш корхонани самарали бошқаришга тизимли ёндашув, унда халқаро талабларга мос сифат тизимини жорий этиш, бозор талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, истеъмолчилар талабига мос юқори сифатли ва экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариши талаб этади.

Бугунги кунда юртимиздаги тўрт юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси Халқаро стандартлаштириш ташкилоти — ISOнинг сертификати эга. Ноширлик-матбаа соҳа-

сида эса бундай халқаро сифат сертификати юртимизда биринчи бўлиб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи лойиқ топилди. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи матбаачилик соҳасига ихтисослашган энг йирик корхоналардан бири. Утган йилнинг ўзида бу ерда сифатли қоғоз ва матбаа хомашёси асосида олти юз номдан ортиқ дарслик, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний китоблар, альбомлар, турли босма маҳсулотлари, эллик номдан ортиқ газета ва журнал чоп этилди. Корхонада мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнини модерни-

зациялаш, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, бозор талаби ва эҳтиёжини пухта ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса мазкур корхонанинг «Халқаро сифат менежменти — ISO 9001:2008» сертификати қўлга киритишида муҳим омил бўлди. Бундай халқаро сифат сертификати эга бўлиш корхонанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ва юксалтириш, жаҳон бозори талаб ва эҳтиёжларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги истеъмолчиларни жалб этиш имконини беради.

Назкат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1678,90	1 Миср фунти	279,46	1 СДР	2591,02	10 Жанубий Корея вони	14,98
1 Англия фунт стерлини	2673,21	1 Канада доллари	1680,21	1 Туркия лираси	1046,14	10 Япония иенаси	201,56
1 БАА дирҳами	451,21	1 Хитой юани	252,70	1 Швейцария франки	1738,01	1 Россия рубли	56,34
1 АҚШ доллари	1657,19	1 Малайзия ринггити	545,94	1 Евро	2273,75	1 Украина гривнаси	208,62

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

# Уйда меҳнат билан шуғулланаётганлар

## манфаати билан боғлиқ масала депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқиларкан бўлди

Газетамизнинг шу йил 27 январь сониди «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар манфаатини ҳимоя қилишни зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг Наманган туманидаги фаоллари ва депутатлари ўз ваъдаларини ҳам, бурчларини ҳам унутганга ўхшайди» деб номланган мақола эълон қилинган эди.

Унда Наманган туманидаги 15 минг 790 нафар аҳоли истиқомат қиларкан Тепақўрғон қишлоғининг деярли ҳар бир хонадонидан ангор эчкиси жундан рўмол тўқиш кенг йўлга қўйилган, рўзгор юриштиринг асосий даромад манбаига айланган, бу хунар орқали оилавий тадбиркорлик кенг ривожланган, аммо шу фаолият қонуний расмийлаштирилмагани, хунармандларнинг оилавий тадбиркор сифатида меҳнат дафтарида очилмагани танқид қилинган эди. Шунингдек, қишлоқ ҳудудидан туман Кенгашига икки нафар, вилоят Кенгашига бир нафар депутат ЎзЛиДеПдан сайланган, бу депутатларнинг партия дастурий мақсадларидаги устувор вазифа — тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш масаласига бефарқлиги аниқ мисоллар орқали кўрсатиб ўтилган.

Ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, ЎзХДП туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида Тепақўрғон қишлоғида «Хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашда касаначилик, оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил қилинди. Анжуманда асосий эътибор мақолада таъкидланган муаммони атрофлича ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларига қаратилди. Анжуман қатнашчилари дастлаб қишлоқнинг Оқбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида хусусий тадбиркор Нўмонжон Йўлдошев раҳбарлик қиларкан жун титиш цехи фаолияти билан танишдилар. Анжуманнинг якуний йиғилишида масалага доир фикр ва таклифлар билдирилди. Мавзу бўйича Наманган туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муборакхон Холматова, ЎзХДП туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шарифжон Акбаров, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Дилором Муборакова ва жамғарманинг туман бўлими раиси Ҳавоҳон Икромова сўзга чиқди. Таъкидландики, хунармандчилик билан шуғулланиб, оилавий тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшаётган кишилар фаолиятини қонуан расмийлаштириш, уларга меҳнат дафтарида очил фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш билан бирга, кичик бизнесни ривожлантиришга хизмат қиларди.

Тапақўрғонда оилавий тадбиркорлик ривожланган, — деди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директорининг ўринбосари Сайфидадин Жўраев. — Хунармандчилик қилиб, шу орқали рўзгор тебратаркан хотин-қизлар йиллар ўтиб, пенсия ёшига етди. Ушанда уларга пенсия белгилаш керак бўлади. Бунинг учун хунармандларга вақтида меҳнат дафтарида очил, уларнинг ижтимоий манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқдаги хунармандлар ўз фаолиятини расмийлаштириш учун рўйхатдан ўтишга иккиланади. Чунки Солиқ кодексига биноан иш ҳақи ва мулк солиғи тўлаши керак. Аммо бу борада ҳуқуқимиз кенг имтиёз ва имконият яратганини унутмаслик керак. Масалан, бир нечта хунарманд бирлашиб, хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича қонуний тартибда рўйхатдан ўтса, солиқ тўлашда тегишли имтиёзларга эга бўлади. Анжуман давомида маълум бўлдики, хунармандлар ўз ишини уй меҳнати асосида шакллантиришни истади. Аммо бу борада уларга зарурий маслаҳат ва амалий кўмак керак. Бу эса шу ҳудуддан маҳаллий Кенгашиларга сайланган депутатлар зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Те-

пақўрғонлик аҳоли ишонч билдирган депутатлар хунармандларни қийнаётган муаммага ечим топиш учун ҳаракат қилиши керак эди. Аммо... Ҳудуддан туман Кенгашига сайланган депутатлар — Зокиржон Нуриддинов, Тоҳиржон Долиев, вилоят Кенгаши депутати Абдуғаффор Турсунов анжуманда иштирок этмади. Ажабланиркан, муҳокама қилинаётган масала бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеПнинг бирон фаолият ҳатто фикр ҳам билдирмади... Анжуман ўтгандан кейин туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Шарифжон Акбаров Тепақўрғон ва Қоратепа қишлоқларида шаклланган оилавий тадбиркорликни қонуний расмийлаштириш масаласида халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиясида атрофлича ўрганиб чиқиларканни маълум қилди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан ушбу муҳим масала туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.



Қонуларнинг ҳаётий бўлиши уларда жамоатчилик фикри қай даражада акс этгани билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу сабабли Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қонунлар лойиҳаларига таклиф билдираётганда жамоатчилик фикрига алоҳида эътибор қаратмоқда. Турли тадбирлар, давра суҳбатлари, аҳоли вакиллари билан учрашувларда билдирилган фикрлар аввал фракцияда чуқур муҳокама этилиб, сўнг қонунлар лойиҳаларига таклиф этилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Давлат ҳокимияти ва бошқаруви

### органлари фаолияти ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутарди

Айниқса, кейинги пайтларда оммавий маданият турли йўллар, ҳар хил таъсирчан воситалар орқали хуруж қиларкан. Бундай таҳдидга қарши курашиш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ОАВнинг ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Оммавий ахборот воситалари миллий маънавиятимизга мутлақо зид, ёшлар тарбиясини бузишга, уларнинг онгини захарлашга қаратилган бузғунчи гояларга қарши курашиши керак. Бу масалага бефарқ қараб бўлмайди... Шунингдек, давра суҳбатиде сўзга чиққан сенаторлар, соҳа мутахассислари мавзунинг турли қирралари ҳақида амалий фикр билдирди. Таъкидландики, мамлакатимизда рўй бераётган бугунги туб ўзгаришлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка янада самарали тарзда етказиш — масъулиятли вазифа. Бу эса оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзaro ахборот алмашиш ҳамкорлигига бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, биз журналистлардан жонкуярлик ва фидойилик талаб эди.

Беҳзод ШУКУРОВ

ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

# Мақсад — турмуш фаровонлиги

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашига Жалақудук туманидан сайланган депутат Малика Юсупова маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор бериб келаётган. Халқнинг ичига кириш, одамларни ўйлантираётган муаммоларни яқиндан ўрганиш ва уларнинг ечимини учун астойдил ҳаракат қилиш яхши фазилат.

Маҳаллаларда кичик бизнесни ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериш масалалари Малика Юсупованинг доимий эътиборида. Депутат қонунлар ва уларга киритилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка атрофлича тушунириш бўйича кўп учрашувлар ташкил этди. — Ўз ишини бошлашда қийинчиликка дуч келаётган кишиларни вақтида қўллаб-қувватлаш зарур, — дейди депутат. — Одамларга ташкил қилмоқчи бўлган иш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар, йўл-йўриқлар ҳақида етарлича

тушунча бериш муҳим аҳамиятга эга. Депутат фуқаро Ҳосилжон Жўраев мурожаатига кўра, кредит олиш тартибқоидалари билан яқиндан таништарди, зарур ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам берди. Кредит ажратиш масаласида «Микрокредитбанк» ОАТБ Жалақудук туман филиалига мурожаат қилинди. Мақсад хайрли бўлгани учун масала тез ечим топди. Ажратилган кредит маблағи ҳисобига кичик тикувчилик цехи, гўзаллик салони ҳамда мўъжаз тўйхона курилди. Энг муҳими, бу мажмуада 30 нафар киши ишли бўлди. Қишлоқ аҳли бу ерда кўрсатилар

ётган хизматдан мамнун. **Озодбек Мирзаевнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисодлашган кичик корхонаси барпо этилишида ҳам Малика Юсупова муносиб ҳисса қўшди. Шу тарихи у ерда 38 та янги иш ўрни яратилди.** Бугун одамлар кўп масалада депутатдан ёрдам кутиради. Депутат фермер хўжалиқлари раҳбарларининг иқтисодий-ҳуқуқий билиминини ошириш, кўрғазмаларда намоийш этилаётган минитехнологияларни харид қилиш тартибқоидалари билан яқиндан танишишга оид учрашувлар ҳам ташкил қилди. — «Сўфиқишлоқ» пахта тозалаш хиссадорлик жамиятидан бир йиллик иш ҳақимни ололмай юрганмада Малика Юсуповага мурожаат қилдим, — дейди Ш. Шокиров. — Депу-

тат тегишли жойларга мурожаат қилиб, қонуний ҳуқуқим тикланишида ёрдам берди. Дарҳақиқат, унинг маслаҳат ва кўмаги билан ўтган йили ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган 11 нафар ёш банкдан имтиёзли кредит олди. Бугун уларнинг икки нафари тикувчилик, тўққиз нафари автосервис, яна икки нафари чорвачилик билан шуғулланмоқда. Ешларнинг спорт билан шуғулланиши учун туман марказида спорт мажмуаси барпо этиш керак. Аҳолидан шундай таклиф тушди. Депутат бу масала бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига таклиф киритди. Малика Юсупова бу йил маҳаллаларда қандай хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этишга эҳтиёж борлигини ўрганиб, хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ниятида.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

## «Фаол аёллар»нинг фаоллиги қани?

ЎзХДП Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган. Уни амалга оширишда «Фаол аёллар» қанотининг ўзига хос ўрни бўлиши керак, албатта. Ҳудудларда фаол хотин-қизлар қанотга бирлашиб, турли тадбирларни амалга оширмоқда, сиёсий жараёнларда изчил иштирок этишмоқда. Аммо қанот фаолияти ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Баъзи ҳудудларда унинг амалий ишлари, ҳатто борлиги сезилмаяпти.

Айтиш керакки, яратилган шарт-шароит ва кўмакларга қарамай, «Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими шу ҳолатга тушиб қолган. У жойларда сузташликка йўл қўйилмади. 2009 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига вилоят миқёсида партиядан бир нафар аёл номзоди қўйилган ва у ҳам халқ ишончини қозона олмаган. Наҳотки ташаббус ҳам, ижро ҳам ўзимизга боғлиқ эканини «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими ҳанузгача англамаган бўлса? Бу — хотин-қизлар орасида тарғибот ишлари аёллар бандлигини таъминлаш масалалари етарли даражада олиб борилмаганидан, улар орасида қанотнинг обрўйи йўқлигидан далолат эмасми?

Қанот кейинги йилларда фақат мавсумий ташкилотчисига айлиб қолди. Бунинг билан Шўрчи тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тан олиш керак, туманда «Фаол аёллар» қанотининг фаолияти умуман сезилмайди.

Туманда бўлганимизда кенгаш мутасаддиларидан ҳеч кимни учрата олмадик. Қанотнинг вилоят бўлими етакчиси Латофат Намозова эса ҳужжатларда туман кенгашининг собиқ раҳбари Бибинора Рўзиёва тадбирларда фаол иштирок этаётганини таъкидлаш билан овора. — Муаммоларни бартараф этишда фаол бўлишимиз лозим, — деди қанотнинг туман бўлими раҳбари Бахтинисо Холмунинова. —

Аммо бизда яқдиллик, ташаббускорлик етишмаяпти. 2010 йил туманда вилоят бўлими билан ҳамкорликда бир марта тадбир ўтказдик, холос...

Аммо «Фаол аёллар» қанотининг туман етакчиси мазкур тадбирнинг аҳамияти ва моҳиятини шарҳлаб бера олмади. 170 минг нафардан ортик аҳолининг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этадиган ҳудудда номига ўтказилган бундай тадбир кимга керак?

Сиёсатга, жамоат ишларига қизиқиши бўлмаган қанот раҳбаридан нимани куттиш мумкин? Тадбирларни фақат режими бажариш учун ўтказиш керакми? Қанот томонидан ташкил этилаётган оммавий анжуманларда ҳатто маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳлари ҳам таклиф қилинмаган.

Ҳудудлардаги аҳвол билан танишар эканмиз, Олтинсой, Бандихон, Қизирқ, Шеробод, Сарисоёё ва Бойсун туманларида «Фаол аёллар» қаноти номининг фаолият юритмоқда. Партиявий ишлар, хотин-қизлар муаммолари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ахир халқ ишончини қозониш учун бугун ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш керак эмасми? Буни «Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими, шунингдек, партия кенгаши мутасаддилари чуқур ўйлаб кўриши керак. **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Хорижда Кема озод қилинди



Сомалилик денгиз қароқчилари Жаңубий Кореянинг «Кеумми-305» балиқчи кемасини қийиб юборди. «Кеумми-305»да 39 нафар денгизчи, икки корейлик ва икки хитойлик фуқаро бўлган. Мазкур кема ўтган йили 9 октябрда Ламу ороли яқинида қўлга олинган эди. Куни кеча қароқчилар Уммон кўлигини Грециянинг «Айрини ЭСЭЛ» танкерини «асир» олди. Танкер 1,8 миллион баррел нефть олиб кетаётган эди. «ЭКОТЕРРА Интернетшл» ташкилоти тарқатган маълумотга кўра, шу кунгача Сомали денгиз қароқчилари 48 та кема ва 800 дан ортик денгизчининг йўлини тўсган.

## Захира энг юқори кўрсаткичга етди

Тайбэ ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, январь ойида Тайваннинг валюта захираси рекорд даража (387,1 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этган.

Айрим мутахассислар Тайван иқтисодиётининг бундай ўсишига хориждан киритилган сармоя омили бўларкан, демоқда. Бошқа экспертлар бу ҳолатни евронинг қиймати пасайгани билан изохламоқда.



## Навбатдаги қўпорувчилик

Покистоннинг шимоли-ғарбида содир этилган портлаш оқибатида 27 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, 40 дан ортик киши жароҳатланган.

Портлаш Мардан шаҳри яқинидаги ҳарбий базада, машғулот пайтида содир этилган. Ҳозир портловчи модда бу ерда қандай олиб келингани ўрганилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2006 йили экстремистлар мазкур ҳарбий базага ҳужум қилган, оқибатда 36 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган эди.

## Аэробусда носозлик

Нью-Йорқдан Парижга йўл олган самолёт ёқилги тизимидаги носозлик сабаб қайтиб қўнишга мажбур бўлди.

Бундай ҳолат «А-380» русумли самолётларда учинчи марта содир бўлиши. Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай янги самолётда техник муаммолар учраши табиий. Вақт ўтиши билан у янада такомиллаштирилади. «А-380» ҳаво кемаси дунёдаги энг йирик йўловчи ташувчи самолётдир. У бир вақтнинг ўзида тўққиз юз йўловчига хизмат қиларди.



Қарор ва ижро

## Соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади...

Она ва бола саломатлигини муҳофазалаш ҳақида

■ Ҳар қандай жамиятда халқ саломатлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош омили ҳисобланади. Зеро, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган, унинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган. Эътироф этиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар жойларда ўз самарасини берапти.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Баҳит Абдиманов билан муҳбиримизнинг суҳбати шу ҳақда.

— Бугун республикада тиббиёт муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 3557 нафар шифокор фаолият кўрсатади. Уларнинг 1064 нафари олий тоифалидир.

Президентимизнинг Она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантириш тўғрисидаги, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш Дастури тўғрисидаги қарорлари тиббиёт соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Бугун республика аҳолисига 45 та шифохона, 242 та амбулатория-поликлиника муассасаси, жумладан, 183 та кишлоқ врачлик пункти 17 та ДСЭНМ ва бошқа муассасалар тиббий

хизмат кўрсатапти.

**Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги тиббиёт институтлари ва етакчи клиникаларнинг 40 нафардан ортиқ малакали мутахассислари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг барча туманларида «Саломатлик ҳафталиклари» уюштирилди.**

**Ҳафталик давомида 14 та туманда 23931 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди.**

Демографик вазият мураккаб туманларда репродуктив саломатлик масаласида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида уларга бириктирилган республика тиббиёт марказлари ва муассасалари ходимлари тиббиёт коллежлари ўқувчиларини жалб қилган ҳолда, 45 минг



оилани қамраб олиб, ижтимоий сўровлар ўтказилди. Репродуктив саломатлик ва болалар саломатлигига оид масалалар бўйича сўровнома тарқатилиб, жавоблари таҳлил қилинди. Унинг натижаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир

худуд учун алоҳида дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Охириги йилларда кишлоқ врачлик пунктларига эътибор ошиб бормоқда.

**Республика бўйича намунали деб топилган 20 та ҚВПни таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустақкамлаш учун қўшимча равишда ҳамда бюджет, бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағи йўналтирилди.**

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, жисмоний ва маънавий етуқ ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ҳар бир умумтаълим мактабида «Саломатлик хоналари» ва «Саломатлик бурчаклари» ташкил қилинган.

Шунингдек, туғма ва ирсий касалликларнинг, ногирон гўдақлар туғилишининг олдини олиш, ёш авлод соғлом бўлишига эришиш учун она ва бола скрининги тадбирлари изчил йўлга қўйилган. Микро-нутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш мақсадида «Уни фортификациялаш миллий дастури» бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини фортификация қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

**Суҳбатдош: Реймбой ЁШИМБЕТОВ «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Бунёдкорлик



## Олис қишлоқларда замонавий уйлар

■ Президентимизнинг ташаббуси билан қишлоқлар обод бўлмоқда, ҳатто олис тоғ қишлоқларида ҳам замонавий инфратузилма шаклланимоқда, аҳоли турмуши фаровонлашмоқда.

Ўтган йили Сурхондарёнинг Олтинсой, Узун ва Сариосиё туманларининг олис тоғ қишлоқларида, умуман, 14 та туманнинг 16 та мавзеида намунавий лойиҳалар асосида 660 та замонавий турар-жой бинолари барпо этилди. Мақсуд ҳудудларда 16 та стационар трансформаторлар ўрнатилиб, хонадонлар электр қуввати билан таъминланди, шунингдек, 39 километрга газ, 31,97 километрга тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. 20,9 километр йўлга асфальт ётқизилди.

Бойсун тумани вилоят марказидан 150 километр узоқликда жойлашган. Яқинда туманга темир йўли олиб келинди. Натихада кўплаб янги иш ўринлари очилди. Шунингдек, туман қишлоқларида яшаётган кишилар замонавий уй-жойларга эга бўлмоқда. Яқинда Наврўз маҳалласида 50 та замонавий турар-жой бунёд этилди.

Бу уйлар пишиқ нишдан тикланган, кўркам ва барча қўлайликка эга.

Бойсунда ана шундай уйларнинг бирида тадбиркор Рашид Қосимов билан суҳбатлашдик. — Янги турар-жой мавзелари ҳаётимызга кўп янгилик олиб кирмоқда, — дейди у. — Хоналар кенг, ёруғ. Уйга кириб келишингиз билан одамнинг кайфияти кўтарилади...

— Қурилиш сифатли, лойиҳалар пишиқ-пухта, — дейди «Пўлат» хусусий фирмаси раҳбари Омон Жураев. — Биз ўтган йили 15 та уй қурдик. Ишимиз буюртмачиларга маъқул келди. Бу йил яна 15 та уй барпо этиш ниятимиз бор.

Юртимизда амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлар қишлоқлар чиройини очиб қолмай, одамларнинг эртанги кунга ишончини оширмоқда, уларни эзгу ишларга ундамоқда.

**Абди ҚОДИРОВ**

**Амударё туманидаги «Қиёт» овул фуқаролар йиғинида 5 минг уч юздан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ердаги кишлоқ врачлик пункти замонавий усулда жиҳозланган бўлиб, малакали ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур шарт-шароитга эга. Бирламчи тиббий муассасага жалб қилинган уч нафар врач ва 12 ҳамшира аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш боробарида оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш юзасидан тушунтириш ишларини ҳам изчил олиб бормоқда.**

Арслон КАННАЗАРОВ (Ў.А.) олган суратлар.



Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «MOST GROUP» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 22218142, ИНН 300700386) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичда қабул қилинади. **Мурожаат учун тел: 168-12-11.**

### ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккинчи Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишни унутманг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

1.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, 236-79-24
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(361) 008, 223-34-00, 223-71-93
3.	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	(371) 008, 262-92-42, 269-14-45
4.	Андижон вилоят адлия бошқармаси	(374) 008, 224-45-94, 222-30-89
5.	Бухоро вилоят адлия бошқармаси	(365) 008, 223-74-16, 223-21-20
6.	Жиззах вилоят адлия бошқармаси	(372) 008, 771-64-71
7.	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	(375) 008, 223-01-64, 223-01-73
8.	Навоий вилоят адлия бошқармаси	(436) 008, 223-80-47, 223-01-38
9.	Наманган вилоят адлия бошқармаси	(369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-78-93
10.	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	(366) 008, 233-04-62, 233-13-59
11.	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	(376) 008, 223-26-84
12.	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	(367) 008, 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50
13.	Тошкент вилоят адлия бошқармаси	(371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96, 280-51-04, 253-82-61
14.	Фаргона вилоят адлия бошқармаси	(373) 008, 224-15-49
15.	Хоразм вилоят адлия бошқармаси	(362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

Государственное унитарное предприятие

### «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет конкурс на предмет заключения договора с организациями занимающимися оценочной деятельностью.

Сроки проведения конкурса с 15 февраля по 15 марта 2011 года.

Оферта договора на возмездное оказание услуг с коммерческими предложениями будут приниматься по 10 марта 2011 года до 16 часов.

Оценочным организациям, желающим предложить свои услуги по оценке имущества, для получения сведения о выполняемой работе просим обратиться по адресу:

100167, г. Ташкент, Аэропорт ГА, контактное лицо — Боймуродов Пирмухаммад Нурмухаммедович, тел: +998711402973, e-mail: pirmukhammad.boymurodov@uzairways.com



Ёнгин хавфсизлиги соҳасига оид ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ масалалар бўйича Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўйидаш ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси — 8-371-234-01-09

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ	8-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	8-374-222-21-73
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	8-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	8-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	8-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	8-369-226-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	8-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-376-223-21-48
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-367-225-40-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	8-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	8-371-234-50-98
Фаргона вилояти ИИБ ЁХБ	8-373-224-38-17
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	8-362-227-24-11

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси

Маънавий мерос

# XXI аср — Навоий даҳосини англаш асри бўлади...



■ Улуғ шоир даҳосининг буюклиги, инсонпарварлиги, бадиий оламининг чексизлигини бугун дунё аҳли янада теран ҳис қилмоқда, эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида мутафаккирнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуманнинг 55-йигилиши ўтказилди. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ва бадиий кечада таниқли навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, ёш тадқиқотчилар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлди.

**Қодиржон ЭРҒАШЕВ, филология фанлари номзоди:**  
— Алишер Навоийнинг мероси тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилган, бу борада кўплаб илмий асарлар яратилган. Бироқ, шунга қарамай, улуғ бобомиз ҳаёти ва ижодининг биз учун номаълум бўлган қирралари анчагина. Хусусан, унинг 1464 йилда Машхаддан Хиротга қайтиб келгани ва у ердан Самарқандга борганига бўлган уч йиллик ҳаёти ва ижоди бўйича манбаларда жуда кам маълумотлар учрайди. Биз тадқиқотларимизда Алишер Навоийнинг ана шу даврда яратган асарлари, ҳаётида содир бўлган баъзи воқеаларга аниқлик киритдик. Хусусан, бобомизнинг маълум муддат амир Султон Ҳасан хонадонидан ашаганлиги, ўша даврдаги ҳарбий-сиёсий жараёнларда иштирок этганлиги, ўз замонасининг етуқ уламолари билан учрашганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, Навоий шу йилларда Шайх Садриддин Лавосий билан қилган суҳбатини мамнуният билан тилга олган. Бу учрашув мутафаккирнинг кейинги ҳаёти ва ижодига, диний, фалсафий дунёқарашига жуда катта таъсир кўрсатган.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор:**  
— Мен бугун Захриддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» ва Мухаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларида Алишер Навоий образи хусусида тўхталмоқчиман. Эътиборни тортадиган жиҳатлардан бири,

уларда Навоий шахси энг аввало унинг шогирдлари ҳамда ўша давр адабий муҳитига бўлган муносабатини таҳлил қилиш орқали ўрганилган. Бобур ва Мухаммад Хайдар унинг шогирдларварлигига ҳам алоҳида тўхталган. Дарҳақиқат, ўша даврдаги тарихий манбаларни кўздан кечирадиган бўлсак, биргина Хиротнинг ўзида Навоийнинг тарбиясини олган 4640 нафар адиб фаолият кўрсатган. «Тарихи Рашидий»да эса Навоийнинг Хирот ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида кўплаб мадраса, масжид, рабат, хонақоҳлар курдиргани илк бор аниқ тарихий далиллар асосида келтирилган.

**Отабек ЖҰРАБОВЕВ, филология фанлари номзоди:**  
— Мен эътиборингизни «Ҳазойин ул-маоний»нинг ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган бир ноёб нусхасига қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда ушбу девоннинг кўплаб нусхалари дунёнинг бир қатор мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Уларнинг орасида, ҳатто, Алишер Навоийнинг ўз қўли билан тахрир қилганлари ҳам бор. Асарнинг биз бугун омма эътиборига ҳавола этмоқчи бўлган нусхаси эса ўзининг бетакрор зийнати билан бошқаларидан фарқ қилади. Ҳар бир саҳифаси хатотнинг юксак маҳорати ила сайқал берилган ушбу кўлэзма ҳозирда Истанбул университетининг нодир кутубхона фондидан сақланади. Шу пайтгача у «Мухаббатнома» деб аталган. Бироқ, унда Навоийнинг қайси девони киритилгани, кимлар томонидан ва нечанчи йилда оққа кўчирилгани но-

маълум эди. Тадқиқотларимиз натижасида унга шоирнинг барча тўртта девони киритилгани, кўлэзманинг ўзи мўъжизавий настълиқ хатида жило берилган асл нусха эканлиги маълум бўлди. Мазкур кўлэзма Кўқонда кўчирилган бўлиб, бунинг учун 4 нафар котиб, 2 нафар мунаққид ва россом, шунингдек, 6 нафар муҳаррир жалб этилган экан.

**Робия РАҲАБОВА, филология фанлари номзоди:**  
— Алишер Навоийнинг мулк ҳақидаги қарашлари унинг ўттиздан зиёд ҳам насрий, ҳам назмий асарларида акс этган. Навоий мулк тушуначисини бир неча маънода қўллаган. Биринчиси, рамзий маъно бўлиб, унда кўнгли, жон, ломакон, йўқлик, сўз ва назм мулклари қаламга олинган. Шунингдек, шоир иқтисодий мулк борасидаги фикрларини ҳам баён этган. Асарларда мулкнинг давлат, оқмдор, ҳазина маъноларидаги шакли ҳам учрайди. Бироқ, Навоийнинг мулк тўғрисидаги мазкур қарашларида ажиб бир уйғунлик мужассам. Яъни, Алишер Навоий уларнинг барчасини адолат тушуначиси билан боғлайди. Зеро, кўнглида адолат ниш урган кишигина, давлатни ҳам, жамиятни ҳам айнан мана шу эзгу тамойилга таяниб бошқаради...

Ушбу анжуманда, шунингдек, Алишер Навоийнинг мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган асарлари, навоийшунослик соҳасидаги янги китоблар кўргазмаси ўтказилди.

**Дилшод НАРУЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**



## Ғазалхонлик кечаси

■ Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида Алишер Навоий ижодига бағишланган ғазалхонлик кечаси бўлиб ўтди.

«Навоийни севмоқ — Ватанини севмоқдир» деб номланган мушоира кечасида ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва ёзувчи-шоирлар иштирок этишди. Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси, шоир Мунаввара Тошпўлатова йиғилиш иштирокчиларига устоз Навоий ғазалларидан намуналар ўқиб берди.

— Бугунги ёш авлод камолотида Навоий ҳаёти ва ижоди бениҳоя катта

ўрин тутди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Максуд Жабборов. Кечада улуғ мутафаккир асарларидаги ғазалхонлик кечасидаги иштирокчилар билан мулоқот қилинди.

Дарҳақиқат, Ҳазрат Навоийни англамоқ замирида ўзликни англаш, Ватанини севмоқ мужассамдир.

**Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## Мактабда навоийхонлик

■ Буюк аллома таваллудига бағишланган тадбирлардан бири Паркент туманидаги 31-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими, маданият бўлими ходимлари, «Бойқозон» қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсадимиз Навоий бобомизнинг меросини жонли мисоллар асосида ёш авлод қалбига синдиришидир, — дейди мактаб директори Мирсодиқ Мирқамолов. — Шу баҳона ўқувчиларимиз буюк мутафаккирнинг ғазал, рубоий ва достонлари, ҳикматли сўзларини яна бир бор ёдга олишди. Шоирнинг дўстлиги, садоқат, ватан, ота-онага муҳаббат мавзуларидаги асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— Тадбирда мустақиллик йилларида дунёнинг Москва, Токио, Боку каби йирик шаҳарларида ўрнатилган бобомизнинг муҳташам ҳайкаллари, мамлакатимизнинг шоир номи билан аталувчи шаҳри ва вилояти, пойтахтдаги тақдорланмас меъморий мўъжизалар — Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри, Миллий боғ, Давлат кутубхонаси, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, Санъат саройи, Метро бекети, Шоҳ кўча, шунингдек, Самарқанд давлат университети ва бошқа ўнлаб масканлар ҳақидаги видеолавҳани кўриб қалбимиз чекисиз гурур ва ҳаяжонга тўлди, — дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нилуфар Тўлаева. — Бундай тадбирлар биз ёшларни бобомиз маънавий меросини чуқурроқ ўрганишга ундайди.

— Ҳар гал ўқувчиларимга Алишер Навоий мероси ҳақида дарс ўтарканман, шоирларимиздан бирининг «Навоий борлигини

билмоқлик учун, Бир бор келиб-кетмоққа арзир бу дунё», жумласида нақадар теран маъно ва ҳақиқат борлигини ҳис қиламан, — дейди тадбир ташкилотчиси, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Назокат Хусанова.

(Ўз муҳбиримиз)

## Спорт



## Пешқадамлар сафида

■ Москва шаҳрида ўтказилаётган «Aeroflot Open — 2011» халқаро шахмат фестивалида дунёнинг энг кучли шахматчилари қаторида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов ҳам ғолиблик учун дона сурмоқда.

Нуфузли турнирнинг «А» гуруҳидаги беллашувларда рейтинг очкоси 2 минг 550 дан юқори бўлган 86 нафар шахматчи баҳслашмоқда. Иштирокчилар орасида жаҳон чемпионлигига даъвогар спортчиларнинг кўпчилиги беллашувларга кескинлик бағишламоқда. 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шахмат фестивалининг биринчи турида россиялик гроссмейстер Андрей Девякинга қарши дона суриб, рақибини мот қилди.

Испаниялик Лопес Сальгадога қарши ўтказилган иккинчи партиядо қора доналарда уйнаган ҳамюртимиз дуранг

натижа қайд этиб, иккинчи турдан сўнг 1,5 очко билан пешқадамлар сафида бормоқда. Рустам Қосимжонов навбатдаги учрашувини исроиллик гроссмейстер Максим Родштейнга қарши ўтказди.

«Aeroflot Open — 2011» халқаро шахмат фестивалининг «С» гуруҳида яна бир ҳамюртимиз Константин Раҳматуллаев ҳам қатнашмоқда. Юз нафардан зиёд шахматчи дона сураётган мазкур гуруҳда ўтказилган иккинчи турда К.Раҳматуллаев россиялик шахматчи аёл Марина Полозовани маълумиятга учратди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.**



## Футболчиларимиз хориж клубларида

■ Сўнгги вақтда Доҳада ўтказилган Осиё чемпионатининг чинакам «кашфиёт»ларидан бири бўлган «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедовнинг хориж футбол клубларидан бирига ўтиши ҳақида гап-сўзлар кўпайганди. Қуни кеча ушбу масалага ойдинлик киритилди.

«Пахтакор» жамоаси матбуот хизматининг билдиришича, иқтидорли футболчи Россиянинг «Анжи» (Махаққалъа) футбол клубида бир йил давомида тўп суради.

Ушбу клубни танлашда «Пахтакор» жамоаси Одилининг кучли лигада ўйнамоқчи эканлигини инобатга олди. Энг муҳими, янги мавсумда ҳамюртимиз ўз маҳоратини ошириши имкониятига эга бўлганлиги қувонарлидир.

— Мен фаолиятимни янада кучлироқ чемпионатда давом эттиришимдан мамнунман, — деди Одил Аҳмедов клуб матбуот хизматига берган интервьюсида. — Янги жамоада кучли рақибларга қарши курашда ўз кучимни синая кўриш имкониятига эга бўлганим айна мудадо

бўлди. Мухлислар ишончини оқлашга ва ўз ўйиним билан ўзбек футболни шаънини уносиб ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

Эътиборли жиҳати, XV Осиё чемпионатида муносиб тўп сурган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг яна бир қатор ўйинчилари янги мавсумдан чет эл клубларида ўз фаолиятларини давом эттиришди. Жумладан, «Бунёдкор» жамоаси етакчиларидан бири Тимур Кападзе Жанубий Кореянинг «Инчехон Юнайтед», ҳимоячи Анзур Исмоилов Хитойнинг «Чанчун Ятай», «Олмалиқ» жамоаси аъзоси Шавкат Муллажонов эса Қатарнинг «Ал-Аҳли» футбол клуби таркибиде майдонга тушади.

**Эркин ХОЛБОБО**

## BO`LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

## Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 249

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.10

Topshirilgan vaqti — 21.30

Sotuvda erkin narxda

## Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afur HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Musihiddin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilbo RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV